



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

№ 166 (19.542).

1986 йил 17 июль, пайшанба

Баҳоси 3 тийин.

ҚИШЛОҚНИНГ ҚИЗГИН ДАМЛАРИ

Ҳозир қишлоқда қизгин дамлар: гўза парварши қилинапти, пичан ўрилмоқда, боғлар ва полклардан ҳосил йиғиб-териб олинаётир. Сабзавот, картошка, қарам маҳсулотлари истеъмолчиларга пешма-пеш йўнатилмоқда. Ҳўжаликларда галла ўрими жадал давом эттириляпти. Ҳар бир кўсак, ҳар бир бошқоқ, ҳар бир боғ ҳашак ва ҳар бир тул мова-чевада — деҳқон ва машинасоннинг, конструктор ва химикнинг, селекционер, транспортчи, тайёрловчининг меҳнати мўжассам. Ётиштирилган барча ҳосилни ност-нобуд қилмай, жадал йиғиштириб олиш, сарфланган куч-гайратни салмоқлироқ қилиб қоплаш, деструкционизми янада тўқин-сочин қилиши табиий.

«Ҳозир қишлоқ меҳнаткашлари, айниқса, муҳим вазифаларни адо этмоқдалар, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг шу йил июнь Пленуми материалларида. — Аграр сектордаги шу йилнинг натижалари биз учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга... дон, мева ва сабзавот, озуқабоп ва техника экинларини ётиштириб, уларнинг ҳосиллини тўла-тўқис йиғиштириб олиш асосий вазифадир. Бу — умумхалқ иши. Унга қўндалик ишда худди шундай ёндашиш керак. Қўнгина районлар учун қийин бўлган ҳозирги шароитларда ётиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини нобудгарчиликка йўл қўймай, йиғиб-териб олиш ва сақлаш, айниқса, муҳимдир».

Ҳа, ўртага қўйилган вазифани ҳал этишда гўят муҳим, масъулиятли дамлар бошланди. Ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш, уни сифатли сақлаш, истеъмолчиларга етказиб бериш зарур. Мамлакатимиз озиқ-овқат фонднинг асоси — дон тайёрлашни кўпайтириш, айниқса, муҳим иш. Йиғим-теримни яхши ўтказиш, беш йилликнинг биринчи йили планларини рўйбга чиқаришга муносиб ҳисса қўиш — коммунистларнинг, агросаноат комплекси барча меҳнаткашларнинг шон-шараф ишидир.

Республикамизнинг жуда кўпчилик деҳқонлари ўз бурчларини ана шундай тушунишмоқдалар. Масалан, Қашқадарё области бир қатор ҳўжаликларининг меҳнат аҳли машина паркларининг олдиндан бекам-кўст тахт қилиб қўйдилар, ўрими олиб бориш усуллари, ҳосилни ташин олиш маршрутларини белгилашди. Пировардда, галла конвейерининг бир маромада ишлаши таъминланди. Ҳозир ҳосили йиғиштириб олинган майдонлар зудлик билан сомон ва похолдан тозаланиб, экин экишга тайёрланяпти. Фарғона областининг кўпчилик механизаторлари галлани аёло даражада янчишмоқдалар.

Бироқ республика Давлат агросаноат комитетига ва газетамиз редакциясига бошқа хил маълумотлар ҳам келиб турибди. Баъзи ҳўжаликларда ўрми-йиғим ишлари анчадан буюн олиб борилаётган бўлса-да, хирмонларда кўплаб дон маҳсулотлари йиғилиб қолиб, дастлабки бошқич юмушлари ҳали тугалланганча йўқ. Самарқанд области Советобод районидagi баъзи жойларда доннинг нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда. Тошкент, Жиззах, Сирдарё областларининг айрим ҳўжаликларига сабзавот сифати бўзилмоқда, истеъмолчиларга кечикиб етказиб беришмоқда. Ҳамма жойда ҳам техника ўрмига тахт ҳолда келди, деб бўлмади.

Қишлоқ меҳнаткашлари мўл ҳосил ётиштириш, уни тўла йиғиштириб олиш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик, маҳсулотнинг сақланишини таъминлаш учун барча зарур имкониятларга эгадирлар. Ҳар бир ҳўжаликнинг ишлаб чиқариш-техника потенциалдан қандай фойдаланаётганлигини қайта-қайта таъкидлаш кўп билан тақдир қилиб чиқиш зарур. Бу ҳамма жойда галлани жуда қисқа муддатлар ичиде янчиб олиш, элеваторларга тезроқ ташиб олишни таъминлайди. Қолхоз ва совхозлар бу йил кўплаб трактор ва комбайнлар, ўрм шакарлардаги оқитиш корхоналари коллективлари ҳар галгидеқ ёрдамга келишмоқда ва имкониятлардан яхшироқ фойдаланишга кўмаклашмоқдалар.

Дарове, ўрми-йиғим режаси пухта ўйланган, унинг моддий-техника, ташкилий таъминоти ҳар томонлама белгилаб олинган жойларда ётиштирилган ҳосил вақтида йиғиштириб олишмоқда, яхши сақланмоқда. Бекор туриб қолмаган ва доннинг тўқилиб кетишига йўл қўймаслик учун оперативлик, тадбиркорлик, мурасимлик кўрсатиш талаб этилади. Ҳар қандай вазиятда ўрмининг қўлай усулларини танлаб олиш ҳўжаликларнинг агрономия хизматлари вазифасидир.

Ем-хашакка алоҳида эътибор бериш керак. Маълумки, бу йил ўнлаблар одадгадан анча кам. Демак, ўрилган, гариланган ўтлар миқдори ва сарфи қатъий назорат остида бўлиши даркор. Бироқ баъзи қишлоқ раҳбарлари бу муҳим иш ҳолатини ҳали тўла тушуниб етмаётганлар. Улар ўтган йилнинг шу давригача бўлган натижаларга нисбатан пичан тайёрлаш, силос бостириш процентлари бир қадар юқори эканлигига қаноат билан бўлиб, хотир-хашакка берилмоқдалар. Қўлбик, бундай хотирхашаклик жиддий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Масалан, Амударё, Чирчиқ, Қўнғай, Қизилтепа, Илчи, Ишкитон, Ҳўжабод районларининг айрим ҳўжаликларини ўтларини вақтида йиғиб олишмаслик, далада сифатини бузиб қўйиш натижасида кўп нарсас йўқотишмоқдалар. Ем-хашак жангаруви бригадалар, зенонларини бошқа ишларга жалғатмаслик, озуқа запасини деҳқончилик қилинганда: похол, сомон, поя, сабзавот ва картошка пўчоқлари, ҳатто кунгабоқар саватлари ҳисобига кўпайтириб бориш зарур.

Бу йилги ўрми сифат жиҳатидан олдинги йиллардагидан кўп томонлама фарқ қилади. Агросаноат комплексини бошқаришнинг янги органлари бу борада ишни авж олдиришмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида қабул қилинган қарорлар тўла куч билан амалга оширила бошланди. Лекин бунинг ҳозирча ҳамма ҳам тушуниб етгани йўқ. Жойларда деҳқонлар агрегатларга техника хизмати кўрсатиш, уларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш снгари маҳсулотни топириш билан боғлиқ қатор қийинчиликларини бошдан кечирмоқдалар. Аҳён-аҳёнда бўлса-да, ҳосилнинг, ҳусусан, сабзавотнинг нобуд бўлиши ҳам шундан келиб чиқаяпти.

Партия, совет, комсомол ташкилотлари, агросаноат комитетлари ва унинг жойлардаги органлари суствашлик, хотирхашакликка қарши дадил чиқишлари шарт. Улар қишлоқ меҳнат аҳлига хизмат кўрсатишни, маҳсулот сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишни тиним таъминлаштириб боришлари керак. Маҳсулотни қолхозлар ва совхозлардан, аҳолидан бевосита жойларнинг ўзида қабул қилиб олишни кенгайтириш зарур.


Ҳосил ҳақида, уни сақлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш — партия ташкилотларининг биринчи даражали иши. Улар ҳўжаликларнинг раҳбарларига қўларини тўғри жойлаштириш, коллективларда ишчиллик вазиятини яхшироқ келтиришда кўмаклашишга даъват этилганлар. Коммунистлар маҳаллий Советларга, касаба союзи, комсомол органлари, халқ контроли постлари ва гуруҳларига таяниб, ҳар бир участкада жадал иш мароми бўлишини таъминлашлари зарур. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида таъкидланганидек, социалистик мусобақани йўлга қўйиш, унинг ошоралигини таъминлаш, эришилган натижаларни қўймаслик, ишлаб чиқариш илғорларини моддий-маънавий рағбатлантириб бориш — иш муддатларини қисқартиришга, нобудгарчиликка қарши курашишга ёрдам беради. Далада ишлаётганлар учун яхши меҳнат ва турмуш шароитларини яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш даркор.

Агросаноат комплекси ходимлари учун ҳозирги кунда ётиштирилган барча ҳосилни вақтида, ност-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, она-Ватанга ҳар қанчондан кўпроқ галла, бошқа хил деҳқончилик маҳсулотлари етказиб беришдан муҳимроқ вазифа йўқ.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА



ИЛҲОМБАХШ ИЖОДИЙ МЕҲНАТИМИЗ— БЕШ ЙИЛЛИККА!




ВАҚТДАН ЎЗИБ

«Узпрогпромстрой» 2-трестининг Ҳўжабод ҳўжаликлараро механизациялашган кўча колоннаси бунёдкорлари ишлаб чиқариш ва социал мақсадлардаги объектларни муддатидан илгари барпо этишга эришмоқдалар.

Колонна бинокорлари йил бошдан буюн бир ярим миллион сўмликдан зиёд бунёдкорлик ишларини амалга оширишлар. Бу — планда кўзда тутилганга нисбатан 15 минг сўмлик кўп. Съездлар йилда улар бир миллион бош паррандага мўлжалланган бройлер фабрикаси, 400 бош қорамолга мўлжалланган молхона, минг квадрат метрдан зиёд ҳажмдаги уй-жой ва бошқа объектлар қурилишини муддатидан олдин тугаллаш йўлида бутун имконият ва резервларини ишга солмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 1. Ҳўжабод паррандачилик бройлер фабрикаси озуқа обдор ховмаси қурилиши. 2. Механизациялашган кўча колонна илгир комплекс бригадаси бошлиғи йўлдош Абдурахмонов.

Р. Ашуров фотолари (ЎзТАГ).



МУСОБАҚА ҚУНДАЛИГИ

НАМУНА

Ҳазорасп йигирув фабрикасида комсомол аъзоси Муҳаббат Этамбердиева бир юз қирқ урчуқ билан ишлаб бошлади. Бу эса тармоқдаги нормага нисбатан деярли икки баравар кўдир. Ненгайрилган иш зонасида ўтмиш Муҳаббатга ҳар кун икки норма иш бажариш, сменда 30 килограммга етказиб қалава тайёрлаш имконини бермоқда.

Хорхонанинг ил йигирувчилари Муҳаббатдан намуна олиб, ненгайрилган иш зонасига ўтиб ишлаб бошлади.

Хоразм области.
ЎзТАГ мухбири.

Мелиораторлар ёрдами

Ромитан районидagi Октябрь 50 йиллиги номили совхозда янги қудуқ ишга туширилди. Пахтазорлар қўшимча равишда секундига 20 литр чўчук сув билан таъминланди. Республика йиллов-мелиорация қурилиш бirlашмасига қарашли Бухоро қурилиш-монтаж бошқармасининг ходимлари қудуқни пармалаб, фойдаланиш учун топиришлар.

Сув тақчил бўлган бу йил қурилиш-монтаж бошқармаси мелиораторлари пармалаган қудуқлар Ромитан ва Ғиждувон, Пешку ва Шофиркон районларининг ҳўжаликлариде ишлаб турибди. Улар ўн минглаб гектар пахтазор ва маккажўхоризорларни обихаёт билан таъминламоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ЭКИПАЖНИНГ «МИР»
ВА «САЛЮТ-7» ИККИ
ОРБИТАЛ
СТАНЦИЯДАГИ ИШИ
ЯКУНЛАНДИ

КОСМОНАВТЛАР ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИЛАР

ТАСС АХБОРОТИ

Космонавтлар Леонид Де-нисович Кизим ва Владимир Алексеевич Соловьев ўртоқлар 125 сутка давом этган орбитал парвоз программасини муваффақиятли яқунлашлар ва 1986 йил 16 июль кунин Москва вақти билан соат 16 дан 34 минут ўтганда Ерга қайтиб тушди.

«Союз Т-15» кемасининг тушириладиган аппарати Орқалиқ шаҳридан 55 километр шимоли-шарқда Ерга қўнди. Ерга қўнгандан кейин космонавтлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Космонавтика тарихида биринчи марта бир экипажнинг орбиталаро учиб ўтиши амалга оширилди ва одам бошқарадиган икки орбитал комплексда ишлар бажарилиди.

Янги «Мир» станцияси конструкциялари ва унинг ичидagi системалар элементлари ҳар томонлама синовдан ўтказилди, унинг аппаратлари шайланди ва соналанди, икки «Прогресс» автомат юк кемаларида орбитага олиб чиқилган асбоблар ва ускуналар билан, шунингдек «Салют-7» — «Космос-1686» орбитал комплексидagi «Союз Т-15» кемасида келтирилган асбоблар ва ускуналар билан станция қўшимча тарзда жиҳозланди. «Мир» станциясидagi ишларнинг биринчи бошқичи тўла-тўқис бажарилиди.

Экинчи «Салют-7» станциясида келмакда Ер атрофи орбитасида мураккаб катта ҳажмдаги конструкцияларини яратишда амалий равишда фойдаланиш мақсадида очил космосда технология операцияларини ишқитириш мақсадида кенг қўлланишларини муваффақиятли амалга ошириш. Космонавтлар ана шу станцияни ишлатиш бўйича программаларда кўзда тутилган илмий-техникавий тадқиқотларни ниҳоятсига етказдилар.

Парвоз программасини бажариш чоғида экипаж ядрилиб юзасан профессионал маҳорат кўрсатди.

«Мир» станцияси ва «Салют-7» — «Космос-1686» орбитал комплекси парвозини автоматик режимида давом эттирмоқда.

Леонид Кизим ва Владимир Соловьев парвози вақтида бажарилган тадқиқотлар ва экспериментлар натижаларини турли тармоқларда кенг қўламда фойдаланилади. Бир парвоз давомида икки орбитал станцияда экипаж ишнинг таққил этиш таъриблариде махсус орбитал модуллари бўлган кўп мақсадли қўловчи доимий ҳаракатда бўладиган одам бошқарадиган комплексларни ишлатишда фойдаланилади.

Совет космонавтларининг узоқ давом этган навабдаги парвозининг амалга оширилиши КПСС XXVII съездининг космик фазонини бундан буюн ҳам титч мақсадларда ўзлаштириш юзасидан белгилаб берган тарихий қарорларини амалга оширишга қўшилган муносиб ҳисса бўлди.

МАЛИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

15 июль кунин Кремлда КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико билан Мали халқи Демократик иттифоқи Бош секретари, Мали республикасининг президенти Мусса Траоре ўртасидagi музокара давом эттиришди.

Амалий ва дўстона вазиятда томонлар Совет — Мали муносабатлари масалаларини батафсил қўриб чиқдилар. Тенглик ва ўзаро хўрмат принципларига асосланган ана шу икки томонлама муносабатлар жаҳон практикасида давлатлараро адолатли ва тенг ҳуқуқли алоқаларини қарор топириш ишига хизмат қилаётганлиги мамнуният билан таъкидланди.

Бир қанча бошқа ақтуал халқаро проблемалар ҳусусида ҳам фикр алмашув давом эттиришди, жумладан, томонлар қўшилган давлатларнинг халқаро майдондаги муваффақиятлари ва ўсиб бораётган обур-эътиборини таъкидлаб ўтидилар. Халқаро проблемаларини

ижобий ҳал этиш кўп жиҳатдан ана шу мамлакатларнинг позициясига боғлиқлигини ҳусусида яқдил фикр изҳор этишди.

Қўшма Совет — Мали баёноти ишлаб чиқилмоқда. Мали делегациясининг СССРга визити яқунлашганидан кейин бу баёот матарбуотда эълон қилинади. Музокаралар чоғида келишилган олинган СССР ва Мали республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисидаги декларация ва КПСС билан Мали халқи Демократик иттифоқи ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги битимга ҳам имзо чекилади, деб томонлар ахдилашиб олдилар.

М. Траоре Ленин Мавзолейини зиёрат қилди ва гулчамбар қўйди. Кремль деворини ёнидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида М. Траоре раёнасиде билан Москвадан Волгоградга жўнаб кетди.

(ТАСС).

А. А. ГРОМИКО Р. НИКСОН БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико Совет Иттифоқида ҳусусий сафар билан раён АҚШнинг собиқ президенти Р. Никсонни 15 июль кунин Кремлда қабул қилди.

Ошқара ва эркин вазиятда ўтган суҳбатда ҳозирги халқаро аҳволни қўриб чиқишга ва Совет — Америка муносабатларига доир масалаларга асосий эътибор берилди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТИЛДИ

Вьетнамнинг атоқли партия ва давлат аъзоси Ле Зуан вафот этганлиги муносабати билан ўтказилган мотам маросимларида қатнашган КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков бошчилигидаги СССР партия-хўкумат делегацияси Ханойдан Москвага қайта туриб, Тошкентда тўхтаб ўтди.

Тошкент аэропортида Н. И. Рижковни ва делегация

нинг бошқа аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов, республика Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар ва қузатиб қўйдилар.

(ЎзТАГ).

ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков бошчилигидаги СССР партия-хўкумат делегацияси 16 июль кунин Ханойдан Москвага қайтиб келди. Делегация ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуани дафн этиш маросимиде қатнашди.

Москва аэродромиде делегацияни Ғ. А. Алиев, Л. И. Зайков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

Илғорларга— байроқлар

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитети давлатга Ҳўл мева ва сабзавот сотиш юзасидан область, раён, қолхоз ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақани 1986 йил 1 июлгача бўлган яқунларини қўриб чиқдилар.

Қўйидагиларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари берилди:

Сурхондарё области,
Тошкент областининг Тошкент райони,
Фарғона областининг Тошкент райони,
Тошкент область Калинин районидаги «Қорасув» совхоз,
Тошкент область Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» қолхозини.

БЕЛЬГИЯЛИК МЕҲМОН

Бельгия Социалистик партияси (франкофонлар) раҳбарлик органининг аъзоси Марсель Лежолли Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. У республика билан танишувчи Самарқанддан бошлаб, меъморий ёдгорликларини ва янги қурилиш районларини кўздан кечириди. Меҳмон Тошкентда В. И. Ленин Марказий музейининг филиалини бориб қўрди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишиб чиқди.

16 июль кунин М. Лежолли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ҚОҒОЗДАГИ... РЕМОНТ

Қизилтепа район агросаноат бirlашмаси маълумотларига қараганда, йилнинг техникасининг 80 проценти тахт қилиб қўйилган. Бироқ, жойлардаги манзара бутунлай бошқача. Агар маълумотларга ишонилганидан бўлса, Бухоро қолхозиде 38 та пахта териш машинаси 24 таси аллақанда тахт қилиб қўйилган, уларни эрта-сида қўйиб қўйиб олиб чиқиш мумкин. Лекин бу ерда тўла ремонтдан чиқарилган бирорта «Зангори кема» ни қидириб топа олмайсиз. Машина-трактор паркиннинг ҳар томониде узеллар ва деталлар уюлиб ётибди.

Устахона директори А. Турсунов эътирозга жавобан икки ишчининг ёнига олиб, бу ерда бир оз тартиб ўрнатгандек бўлди. Бироқ Ҳўжа-асилиқ йиллаб давом этиб келган жойда ҳамма нарсани тезда саранжом-сариниш қилишнинг иложи йўқ. Қолхознинг идораси ҳам машина-трактор паркни ёнгинасида жойлашган. Қолхоз правлениясининг бу соҳадagi позицияси ҳам кишини ажаблантириди.

«Меҳнат—роҳат» қолхозиде ҳам 22 та машинадан 16 таси қоғозда ремонтдан чиқарилган. Текшириб қўрилганда, бирортаси ҳам ремонт қилинмаганлиги аниқланди. Бўла-була ақратиб қўйилган комбайн ёнида слесарлардан Н. Ширинов билан Э. Қурбонов ўйналлашиб юришибди. Улар занг босган шина-дедалар ўрнига... худди шундай — занг босган шина-дедаларни ўрнатилмоқда. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади: ҳамма эҳтиёт қисмлар

очиқ ҳавода сақланиаяпти. Устахонанинг ўртасида электр мотори турибди. Ҳамма унга қўйиб-қўйиб олиб чиқиш мумкин. Лекин ҳеч ким унни четга олиб қўйишни ҳаёлига келтирмайди.

— Мама шу электр мотори қанча туради?

— 200 сўм, — ЎзТАГ мухбирининг саволига раён агросаноат бirlашмаси раисининг биринчи ўринбосари О. Ахоров хотиржам, ҳатто лоқайдилик билан жавоб берди.

Раҳбарларнинг талабчанлик қилмаётганлиги техникага жинояткорона муносабатда бўлишга олиб келмоқда. Машиналар механизаторларнинг ҳовлиларида сақланаётганлиги тасодифий эмас. Масалан, «Меҳнат — роҳат» қолхозининг механизатори Р. Ҳатамовнинг ҳовлида иккинчи трактор, гўзал поя юладиган агрегат, қультиватор, ўнлаб эҳтиёт қисмлари турипти. Пахта ташийдиган прицеп турини бу «новатор» товуқхона қилиб қўйибди.

Райондаги бирорта ҳам машина-трактор паркида техникани йиғим-терим мавсумига тайёрлашни жадаллаштиришга чаклирувчи широр қўзғата ташланмайдиган. Механизаторлар ҳўжаликда ва умуман районда бу йил машина билан қанча пахта те-

рилишини билмайдилар. Бу йил ёз қийин келпти, сув танисиб бўляпти. Гўза бўйига ўсмайдиган. Демак, ун қўлда териб олаб бўлавермайди, техникани тайёрлаш билан шуғулланишга ҳолат йўқ, деган қайфият ҳўкум сурмоқда.

Район агросаноат бirlашмаси мутахассисларининг пахтани машинада териб олиш юзасидан тузиб чиқилган ҳисоб-китоблари ҳам ажабланиди. Қизилтепа районидаги 326 та пахта териш машинасида 110 таси кенг қаторлаб экилган гўза ҳосилни йиғиштириб олишга мослаштирилган. Бу йил кўзда бу машиналар ишлатилмайдиган, чуқури районда экинни кенг қаторлаб экишдан воз кечишган. Район қолган машиналар билан 27 минг тонна пахтани ён ҳар бир машина билан ўртача 125 тонна пахтани териб олмақчи бўляпти. Бу эса нормадан анча кўдир. Бундай аҳволда қизилтепалик механизаторлар йиғим-терим мавсумида нормани бир ярим баравар бажаришча оларимиз... Масалан, ўтган йили улар ҳар бир комбайн ҳисобига ўртача 12 тоннадан сал кўпроқ, яъни ҳозирги планда кўзда тутилган 10 баравар кам пахта терган эдилар.

Шуни, ишнинг аҳволига берилган реал баҳо? Қизилтепа районидагилар қоғозга чизиб қўйилган хом халларга берилб юрганга ўхшайдилар.

С. РҲУХМАЛЕВ,
(ЎзТАГ мухбири).

раиси В. Кенжаев оғоҳлантирилди. «Правда» колхозни ташкил этишга буюртма берди. Бундан ташқари мақола ривожини маданият бўлими ходими Л. Янгилшида муҳокама қилинди. Унда ансамбль қатнашган чилари шайинга билдирилган фикрлар ҳар бир маданият ходими, бедий ҳавассига баъвосига дахлдорлиги қайд этилди.

ИШДАН БЎШАТИШ ВА ТОШБАҒИРЛИКНИНГ КЎП. КЎРИНИШЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ВОҚЕА

шимчаик туғрисида ҳам биларди. Аммо, уларнинг қўл остида ишловчи Б. Череватский эса, қонунга чап

Шундай сарлаҳа остида босилган (газетанинг 1986 йил 25 апрель сони) мақолада Якабоб районидаги «Правда» колхози территориясида бўлаётган тўйлар ичкиликсиз ўтмаётганлиги, қишлоқ Совети раҳбарлари бу борада чора-тадбирлар қўрмаётганлиги танқид қилинган эди.

ЯКАБОБ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДАН ОЛИНГАН ЖАВОБДА ШУНДАЙ ДЕЙИЛАДИ:

— Текширишда мақолада келтирилган фактлар асосан тўғри эканлиги аниқланди. Мақола район партия комитети буюр мажлисида муҳокама қилинган. «Правда» колхозига бўшқиларни Н. Тоғоев, Х. Мустафоев, ҳўналик ноимости П. Мейлиев, «Ленин учқун» колхози партия ташкилоты секретари К. Эшмуродов ва район йўллардан фойдаланиш участкаси бошлиғи Б. Мўхаммадиевга ғивор берилди. Шунингдек, қишлоқ Совети ижроия комитети раиси Р. Эшқобилов ва раис ўринбосари А. Назаровларга ҳам ғивор ёълон қилинди. Халқ

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12